

ШАРТНОМА

“05” 01 2022 йил

№ 18447-М

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан ва Тошкент шаҳар Олмазор туман Хокими биринчи ўринбосари Дж.Исраилов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи кўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни кўриқлашга топширади ва “Ижрочи” эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Олмазор туман Кўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби билан 1 та 8 соатлик (соат 09-00 дан соат 17-00 га қадар дам олиш кунларисиз) кўриқлаш пост орқали Олмазор туман Кўриқлаш бўлими **кўриқлаш** пости билан кўриқлашга қабул қилади, Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли 1а-уйда жойлашган Туман Хокимлиги биноси кўриқлаш пости орқали (кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш **Буюртмачи** томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари **Ижрочининг** айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 30 иш куни ичида кўриқлаш хизмати кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда Олмазор туман Кўриқлаш бўлими саф бўлинмалари орқали кўриқлаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади: пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ҳисоб варақасига асосан (шартнома 1-илова) асосан тўловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи** миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан **10** кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:


мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил “___” ___ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан _____ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини



ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида ___ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланаётган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курул-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Олмазор туман Қўриқлаш бўлими навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Олмазор туман Қўриқлаш бўлими маъсул ходими етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:
ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;
қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;



буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур **Шартнома 2022 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб кучга киради ва 31 декабрь кунига қадар амал қилади.**

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади.

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб, Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь кунни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида объектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равишда маълум қилади. (эслатма: Объект бекор қилиш бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади).

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки томонлама имзоланган кундан кейин кучга киради ва 2021 йил "07" "09" кундаги 18447 -М сонли томонлар ўртасида тузилган шартнома ўз кучини йўқотади..

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси
Тошкент шаҳар, Марказ-4, Қашқар кўчаси, 3-уй
Х/р: 21596000300447995001
МФО: 00014 ИНН: 202628856 ОКОНХ: 97920
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош
Бошқармаси ХҚМ
Тел: 234-01-69, 233-37-83

Буюртмачи

Хокимият Алмазарского района
г.Ташкент, ул.Кара-камыш, дом 1. Тел.: 227-12-50
ИНН 202117029 ОКЭД 84112
Л/сч 100228626807015038001
Казначейство Минфина
Р/с 23402000300100001010
РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент
МФО 00014 ИНН 201122919

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи



К.А.Шодибеков

Тошкент шаҳар Олмазор туман
Хокими биринчи ўринбосари



Дж.Исраилов

Всем заинтересованным
С. Саидов

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
TOSHKENT SHAHAR QO'RQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAH O'TKAZILDI
20 07 " 09 " 2021 da
133 RAQAM
QAYD ETILDI

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи

[Signature]

К.А.Шошибеков



«РОЗИМАН»

Тошкент шаҳар Олмазор туман
хоқими биринчи ўринбосари



Дж.Исраилов

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, кесик халқа йўли 1а-уйда жойлашган Олмазор туман ҳоқимлик биноси қўриқлашда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Олмазор туман Қўриқлаш бўлими 2-отряд саф бўлинмаларини моддий таъминлаш тўғрисида 2022 йилнинг “01” январь кунидан бошлаб тузилган.

Х И С О Б В А Р А Қ А С И

Қўриқлаш ойлари	Пост сони	Қўриқлаш вақти	Бир ойлик Қўриқлаш вақти	Қўриқлаш Пост соат нархи	Жами
Январ	1	8	248	58304	14459392
Феврал	1	8	224	58304	13060096
Март	1	8	248	58304	14459392
Апрел	1	8	240	58304	13992960
Май	1	8	248	58304	14459392
Июн	1	8	240	58304	13992960
Июл	1	8	248	58304	14459392
Август	1	8	248	58304	14459392
Сентябр	1	8	240	58304	13992960
октябрь	1	8	248	58304	14459392
ноябрь	1	8	240	58304	13992960
декабрь	1	8	248	58304	14459392
Жами			2920		170 247 680,00

ЖАМИ: Бир юз етмиш миллион икки юз қирқ етти минг олти юз саксон сўм, 00 тийин

Тошкент шаҳар Қўриқлаш
Бошқармаси МИБ бошлиғи

[Signature]

Н.Н.Рўзиев

Асос: 1. Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 август кундаги ПФ-6279 сонли фармонига асосан.

1. The first part of the document discusses the importance of maintaining accurate records of all transactions and activities. It emphasizes the need for transparency and accountability in financial reporting.

2. The second part of the document outlines the various methods and techniques used to collect and analyze data. It includes a detailed description of the experimental procedures and the statistical tools employed to interpret the results.

3. The third part of the document presents the findings of the study, highlighting the key observations and trends that emerged from the data analysis.

4. The final part of the document discusses the implications of the findings and offers recommendations for future research and practice.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент шаҳар Олмазор туман
хокими биринчи
ўринбосари



Дж.Исраилов

«05» 01 2022 йил



“КЕЛИШИЛГАН”
Тошкент шаҳар Олмазор тумани
Кўриқлаш бўлими бошлиғи

Т.М.Эргашев

«05» 01 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Тошкент шаҳар Олмазор тумани Кўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби томонидан кўриқланаётган **Олмазор туман хоқимлик** биносида кириб-чиқиш тартиби ва ички режими тўғрисида 2022 йил учун

1. ЙЎРИҚНОМА.

1.1. Ушбу хужжатнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилган **Олмазор туман хоқимлик** биносидаги барча ишчи-хизматчилар, ходимлар ва фуқароларга мажбурийдир. Кириш-чиқиш тартибининг ҳар турдаги бузилиши, фавқулодда ходиса деб ҳисобланади. Текширув ишлари олиб борилади ва тартиб бузувчига нисбатан зарурий таъсир чоралари қўлланилади.

1.2. **Олмазор туман хоқимлик** биноси Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Олмазор тумани Кўриқлаш бўлими 2-отряд ходимлари томонидан 1 та 8 соатлик (соат 09-00 дан 17-00 га қадар) саф бўлинмалари орқали кўриқланади.

2. Хўжалик идораси ходимларининг мажбуриятлари

2.1. Белгиланган хужжатларни кўрсатиб кириш тартиби ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, белгиланган тартибда таъминлашда маъмурият ва кўриқлаш ходимига амалий ёрдам кўрсатиш.

2.2. **Олмазор туман хоқимлик** биносига киришда гувоҳнома (рухсатнома)ларни постдаги кўриқлаш ходимига очик ҳолда кўрсатиш.

2.3. Иш вақти тугагандан сўнг, бинода ҳеч ким қолмаганлигини текшириш, хизмат хоналарида ойналарини, форточкаларни ёпиш, электор ёритувчи, иситувчи асбоблар ва компьютерларни ўчириш, эшикни қулфланганлигини текшириш. Шахсий буюмлар йўқолганда кўриқлаш ходимлари жавобгарликни зиммасиги олмайдилар.

2.4. Иш вақти тамом бўлгандан сўнг хона эшикларини муҳрлаш.

2.5. Хоналарда кўриқлаш сигнализациясида носозлик аниқланган ҳолда кўриқлаш ходимига маълум қилиш.

2.6. Ёнғиндан сақланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш, чекиш учун ажратилган жойларда чекиш, йўлаклар, зинапоя майдончалари ва чиқиш йўлакларига турли жихозлар ва ёнувчи моддаларни ташламаслик, сув жумракларини очик ҳолда қолдирмаслик.

2.7. Хўжалик идораси ходимларининг (талабларнинг) иншоатга кириш-чиқиши хизмат гувоҳномаси (ҳар доим ўзи билан олиб юриш) ва қатъий рухсатномалар (ташриф буюрувчи фуқаролар учун ҳам қатъий рухсатномалар ва белгиланган тартиб) асосида ташкил этилади.

2.8. Хўжалик идораси томонидан берилган бир марталик, вақтинчалик, доимий ва моддий рухсатномаларда иншоатга ходимларнинг ва фуқароларнинг кирган ва чиққан вақтини кўрсатиш.

2.9. Иншоат ички худудига кириш-чиқиш фақат пост орқали амалга оширилганлиги сабабли, барча қолган кириш-чиқиш эшиклари ва дарвозаларининг қулфланган ҳолда бўлишини, шунингдек ушбу эшик ва дарвозалар орқали ҳамда иншоат худудига ташқи темир панжаларлар деворлар орқали фуқаролар, ишчи-ходимлар ва автоуловларнинг иншоат худудига киритилмасликни таъминлаш.

3. Хўжалик идораси ходимларига қатъиян ман қилинади.

3.1. Гувоҳномаларни иш жойида қолдириш ва бошқа шахсларга бериш.

3.2. Қўлбола электор иситгич асбобларидан фойдаланиш, компьютер ва ҳисоблаш техника машиналарини ёқилган ҳолда ташлаб кетиш.

3.3. Ўт ўчириш идораси рухсатсиз бинода электор пайвандлаш ишини олиб бориш.

4. Қўриқлаш хизмати ходимларининг мажбуриятлари.

4.1. Қўриқлаш хизмати ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг тегишли буйруқлари ва **Олмазор туман ҳокимлик** биносига кириб-чиқиш тартиби ва ички режими тўғрисида йўриқномаси ҳамда Хўжалик биносига кириб-чиқиш тартиби бўйича қоидаларга таянадилар.

4.2. Иншоат ҳудудида ишчи-хизматчиларни, фуқароларни пост орқали кириш-чиқишини (иншоатга бошқа йўллар билан, яъни ташқи ҳудуд бўйлаб эшиклар, дарвозалар ва темир панжарали деворлар орқали олиб ўтиш ёки кириш-чиқиш ҳолатлари учун қўриқлаш ходимлари жавобгарликни ўз зиммаларига олади) зийраклик билан ва виждонан назорат қилиш, бинога кириш ва чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни ҳамда олиб чиқаётган буюмларни назоратдан ўтказиш.

4.3. Қимматбаҳо буюмларни оғзаки фармон билан пост орқали олиб чиқиш ва олиб киришга йўл қўймаслик.

4.4. Бинода пост орқали олиб чиқилаётган буюмларни, уларни олиб чиқиб кетаётган шахсларнинг ҳужжатларини текшириш, қонунга ҳилоф ходисалар рўй берган ҳолларда икки нусхада далолатнома тузиб, тортиб олинган буюмлар ва улар билан ушланган шахснинг тушунтириш хати зудлик билан бўлим раҳбарияти ва навбатчисига хабар берилиб, ҳудудий туман ИИБ навбатчилик қисмига топширилади.

5. Қўриқлаш хизмати ходимларига хизмат вақтида ман этилади.

5.1. Қўриқлаш хизматини суствлик билан олиб бориш, ухлаш, китоб, рўзнома ва ойномаларни ўқиш, уяли алоқа телефонида фойдаланиш ва фуқаролар билан хизматга доир бўлмаган гап сотиш.

5.2. Шахсий қуролни ҳар кимга бериш ва бегона шахсларга кўрсатиш, агар бевосита бошлиқлари бўлмаса.

5.3. Ўз хизмат жойини, постни ташлаб кетиш, агарда ҳаёти хавф остида қолса ҳам, шунингдек соғлиғи ёмонлашган тақдирда қачонки ўрнига бошқа ходим келгунига қадар.

«ТАЙЁРЛАДИ»

Тошкент шаҳар Олмазор тумани
Қўриқлаш бўлими 2-отряд командири
катта лейтенант



Б.Б.Ражабов

«05» 01 2022 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент шаҳар Олмазор туман
ҳокимининг _____



«05» 01 2022 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент шаҳар Олмазор туман
хокими биринчи
ўринбосари



Дж.Исраилов

«05» 01 2022 йил

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси Миллий
Гвардияси Тошкент шаҳар Олмазор
тумани Қўриқлаш бўлими бошлиғи



ПОДПОЛКОВНИК

OLMAZOR TUMANI
QO'RIQLASH BO'LIMI

Т.М.Эргашев

«05» 01 2022 йил

Олмазор туман ҳокимлик биносини Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Олмазор тумани Қўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби томонидан қўриқлаш учун ташкил этилган постни 2022 йил учун

ЖОЙЛАШУВИ:

Постлар сони ва вақти	Пост йўналиши ва чегаралари	Қабул қилиш ёки топширишга киритилган буюмлар	Қўриқлаш хизмати ходимларининг хизмат вазифалари
1 та пост 8-соатлик 09-00 дан 17-00 гача	Иншоат худудига асосий кириш-чиқиш эшиги олдида	Хизмат хужжатларида рўйхатдан қайд этилган буюмлар, постга тегишли анжомлар.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қўриқлаш хизмати ходими ўз хизмат вазифасини бажаришдан олдин постни куздан кечириб чиқиши шарт. Ўрнатилган тартиб бўйича топшириш, қабул қилиш, постдаги хужжатларининг, телефон, огоҳлантирувчи техник воситаларни созлиги, эшик деразаларни созлигини текшириши, камчиликлар аниқланганда, дархол бўлим раҳбариятига ёки бўлим бўйича навбатчига хабар бериши, улар келгунча тегишли чора-тадбирлар қўриши ва дафтарга ёзма равишда қайд қилиши шарт. 2. Қўриқлаш хизмати ходими постида камчилик йўқлигига ишонч хосил қилиш, камчилик аниқланган ҳолларда улар ҳақида иншоат раҳбариятига зудлик билан хабар бериш; 3. Иншоат худудига пост орқали фуқароларни белгиланган тартиб асосида киритади; 4. Худудга хар-хил буюм ва ашёларни олиб кириши ва олиб чиқиш раҳбариятни ёзма рухсати билан амалга оширилади; 5. Иншоат худудига пост орқали (иншоатга бошқа кириш дарвоза орқали ёки деворлар ошиб ўтиш каби ҳолатлар, шунингдек, ички периметри, ҳовли худуди ва худудда жойлашган бошқа биноларда содир этилган бошқа фавқулодда ҳодисалар, қонун бузарлик ва тартиб бузарликлар учун хўжалик идораси жовобгарликни ўз зиммасига олади) фуқаро маънавий қиёфасига тўғри келмайдиган кийимларда, хайвонлар билан киришга рухсат бермаслик; 6. Иншоат ходимлари иш вақти тугагандан сўнг ёнгина қарши ва ўғирликдан химояловчи жиҳозларни ишчи ҳолатда топшириб кетишлари, эшикларни ёпиб муҳрлаб топшириб кетишларини, агарда ушбу шартлар бажарилмаганлиги аниқланса, юқорида қайд қилинган шартларни бажарилишини талаб қилишга.

ҚУРОЛ: Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг меъёрий буйруқлари асосида қуролдан фойдаланади ва қўллайди.

ПОСБОНГА:

1. Хаёти хавф остида бўлганда ҳам пост алмаштирилгунга қадар ёки топширилгунга қадар ўзбошимчалик билан постни ташлаб кетиш.
 2. Бевосита бошлиқлари истисно этган ҳолда бирор бир кишига табель қуролини топшириш ёки кўрсатиш, шунингдек, қуролни мақсадсиз ғилофдан чиқариш ва ўқни ўқдонга жойлаштириш.
 3. Тўсатдан касал бўлиб қолган тақдирда, қўриқлаш бўлими бўйича маъсул ходимга маълум қилгандан сўнг ўриндоши келгунга қадар хизмат жойини ташлаб кетиш.
 4. Ўзбошимчалик билан ёки объект маъмурияти илтимосига кўра эшик-деразалар қулфини очиш, мухирлар қўйиш, ёнгин хавфсизлиги анжомларини бошқа жойга олиш.
 5. Объект қўриқловини қисқа муддатга бўлса ҳам бегона шахсларга топшириш.
 6. Хизмат олиб бориш вақтида ухлаш, ёзиш, ўқиш, қуйлаш спиртли ичимлик ичиш, чекиш, хизматдан чалғиш, хушёрликни пасайтирувчи нарсалар билан шуғулланиш.
 7. Хизмат вақтида уяли телефондан фойдаланиш.
 8. Радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, постдаги шахар телефони орқали хизматга алоқаси бўлмаган суҳбатларни олиб бориш.
 9. Фуқароларга нисбатан такаббур, қўпол, димоғдор бўлиш, кинояли ёки беодоб тарзда фикр билдириш, инсон шаънини ҳақоратлайдиган пичинглар ва иборалари қўллаш, камситиш.
 10. Қўриқланаётган объектнинг ишчи-хизматчилари ва фуқаролар билан хизмат ўташга алоқаси бўлмаган мавзуларда суҳбатлашиш, радио, телевизор, магнитофон ва бошқалардан фойдаланиш.
 11. Кириш-чиқиш тартиби жорий этилган объектга белгиланган вақтда келган шахслар, шунингдек объект ходимларининг қариндош уруғлари, танишлари ва хизматда бўлмаган ходимларини объектга киритиш.
 12. Объект иш вақти тугаб, хоналар қўриқловга топширилгандан сўнг жиҳозлар ва турли техникалардан фойдаланиш.
 13. Кимлигидан қатъий назар, бировга бир нарса бери шва бировдан бир нарса олиш
- ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

«ТАЙЁРЛАДИ»

**Тошкент шаҳар Олмазор тумани
Қўриқлаш бўлими 2-отряд командири
катта лейтенант**

Б.Б.Ражабов

« ___ » _____ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Олмазор тумани қўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби томонидан Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, кичик халқа йўли кўчаси 1- А уйда жойлашган Олмазор туман ҳокимлик биносини техник мустаҳкамлиги тўғрисида тузилган

ДАЛОЛАТНОМА

Биз қуйидаги имзо чекувчилар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Олмазор тумани Қўриқлаш бўлими 2-отряд командир катта лейтенант Б.Б.Ражабов ва 2-гурух командири лейтенант А.А.Халилов Олмазор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Дж.Исраилов билан биргаликда ушбу далолатнома шу ҳақида тузилдики.

АНИҚЛАДИК

Тошкент шаҳар Олмазор тумани кичик халқа йўли кўчаси 1-А уйда жойлашган Олмазор тумани ҳокимияти бино ҳудуди ер майдони 8116.8 м² ташкил этади бино ҳудуди ёриткич мосламалар билан жиҳозланган.

Б-бино орқа томонида ҳокимият ишчилари учун автотураргоҳ жойлашган 1 та электр (ШИД) ва 1 та иссиқ сув қозонхонаси жойлашган бино бетон плиталар билан қурилган 2 та бинодан иборат бўлиб А,- бино 2 қаватли Б- бино 4 қаватли очик майдонда жойлашган бўлиб.

А-бинога киришда Автомашиналар учун элктрон шлакбаун мавжуд, бинога асосий кириш эшиги бир тавақалик Акфа алюмин иэшик иккинчи қисми электрон сенсорлик эшиклардан иборат бўлиб (НЎЖ) назорат ўтиш жойда 5 та электрон турникет жойлашган кирганда ўнг томонда қоровул учун хона киришда 1 та алюмин икки тавақалик қирқма қулфли эшик икки томони ойнали девордан ишланган чап томонида фая ва А- бинога кириш эшик иккинчи қисми электрон сенсорлик эшиклардан иборат, тўғрида чап ва ўнг томонларда ёнғиндан чиқиувчи ва 2 та қирқма қулифли эшиклардан иборат,

А-бинода жами хоналар сони 18 та бинога қўшимча кириш эшиклари жами 6 та алюмин ойнали қирқма қулф билан қулифланади асосий эшикдан фаядан иборат тўғрида 2-қаватга чиқиш зина поя жойлашган бошқа қаватларга чиқиш учун узун йўлак охирида ёнғиндан чиқувчи темир жисмдан ясалган зина поя ва томга чиқувчи нарвон жойлашган бино ичкарасида 18 та хоналардан иборат 1-хона девонхона, 2-хона ишчи гуруҳ хонаси, 3-хона техник назорат хонаси, 4-хона маҳалла қўллаб қўллаб қуватлаш бўлими, 5-хона ҳисобхона, 6-хона сервер бўлими, 7-хона техник бўлим, 8-хона матбуот, 9-хона фуқороларни қабул қилиш хонаси, Чап томонда хоналар сони жами 7 та 1-қадирлар таёрлаш хонаси, 2-маххала билан ишлаш хонаси, 3-иктисод бўлими, 4-қурилиш бўлими, 5-архиф хонаси, 6-қўшимча архиф, 7-комунал бўлими, барча эшиклар 2 тавақали бўлиб тахта хомашёсидан ишланган қирқма қулфли, Фаядан кириб 2-қаватга зина поя орқали чиқилади зиналар сони 2 та 2-қаватда жами 6та хоналардан иборат 2 қаватга

кўтарилганда фаядан кириб ўнг томонда кичик фая ва кийимлар учун жавон жойлашган тўғрида мажлис зали йўлак бойлаб 6 та хонадан иборат биринчиси чап томонда фуқоролар қабул хонаси иккинчиси Инвиститсия ва ташқи савдо бўлими учинчиси ўнг томонда хоким ёрдамчиси хонаси, тўртинчиси хоким ўринбосари хоналари жойлашган, бешинчи манавий марифий ишлар бўйича ўринбосар хоналари жойлашган, чап томонда битта санузил, йўлак сонгида ёнғиндан сақланувчи бинодан чиқиш эши тахта хомашё билан ишланган қирқма кулф билан кулифланади зина поя жойлашган тоғрида эшик тахта хомашёсидан ишланган қирқма кулф билан кулифланади тоғрида конференсалар зали жойлашган. Бинода видео кузатув мосламалари билан жихозланган жами 20 та русумда IP шулардан 3 та овоз ёзувчи камералар билан жихозланган.

1. Хокимият биносида қўриқловни янада самарадорлигини ошириш мақсадида Ташвиш тугмасини ўрнатишингизни тавсия этамиз.

Муддати: Доимий

2. Бино кириш олдидаги турникетлар ишчи ҳолатида бўлишини назорат қилиб бориш

Муддати: Доимий

3. Бинода кечки иш вақти тугаганидан сўнг электр ускуналарини ўчириш лозим. Юқорида кўрсатилган тадбирлар “Хожалик томонидан доимий бажарилиши лозим”

Муддати: Доимий

4. Олмазор туман хокимияти ичидаги сейф (моддий бойликлар сақланадиган темир кути) ерга қотирилган бўлиши шарт.

Муддати: 1 ой ичида

5. Бино ҳудудида ёриткич мосламали ва бино ичкарасида мавжуд бўлган ёриткич мосламалари ишчи ҳолатида бўлишини назорат қилиб бориш

Муддати: Доимий

Комиссия аъзолари:

Б.Б.Ражабов



Дж.Исраилов



А.А.Халилов